

**“БАНК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОМ**

Тошкент -2017

I. Умумий қоидалар

1. АТ «Алоқабанк»нинг «Банк таваккалчиликларини назорат қилиш Қўмитаси тўғрисида»ги Низоми (қуйида матнда мос ҳолда – «Низом» ва «Банк» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2229-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилган) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Банк таваккалчиликларини назорат қилиш Қўмитаси (қуйида “Қўмита” деб юритилади) фаолиятининг ҳуқуқий асоси, ваколатлари, таркибини шакллантириш тартибини белгилаб беради.

3. Қўмита Банк Кенгашининг доимий коллегиял маслаҳат органи бўлиб ҳисобланади.

4. Қўмита Банк Кенгашининг 2011 йил 8 ноябрдаги 75-сонли мажлис баёни қарори билан ташкил этилган.

5. Қўмита ўз фаолияти ҳақида Банк Кенгашига ҳисобдор бўлиб, Банк Кенгаши томонидан белгилаб берилган ваколат доирасида иш юритади.

6. Қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, банк Устави ва банкнинг бошқа ички ҳужжатлари ҳамда банк Кенгаши қарорларига мувофиқ амалга оширади.

II. Қўмитанинг мақсади

1. Қўмитанинг ташкил этишдан мақсад - Банк Кенгашининг таваккалчиликни назорат қилишдаги вазифаларига кўмаклашиш, банк таваккалчилигини бошқариш тизимини яратиш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаш.

III. Қўмитанинг функциялари

1. Қўмита Банк Кенгашига таваккалчиликлар ва капитални бошқариш стратегиясини, Банкнинг таваккалчилик меъёрини ишлаб чиқишдаги ёндашувларга оид тавсияларни беради, Банк Бошқарувининг таваккалчиликлари ва капитални бошқариш стратегиясини жорий қилиши, Банкнинг таваккалчилик меъёрига риоя қилиши устидан назорат қилади, Банк таваккалчиликларини бошқариш маданиятига мувофиқлик тўғрисидаги ҳисоботларни тузади ҳамда Банкнинг таваккалчиликларни бошқариш бўлинмаси билан ўзаро муносабатда бўлиб, бўлинма раҳбари ишини назорат қилади.

2. Қўмита таваккалчиликлар ва капитални бошқариш стратегиясини амалга ошириш устидан назорат қилади, Банкнинг айрим таваккалчиликларини (масалан: кредит, бозор, операция, обрў таваккалчилиги ва ҳоказо) бошқаришни тартибга солувчи Банк ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши, Банк фаолиятини амалга оширишда белгиланган таваккалчилик меъёрига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

3. Қўмитанинг функцияларига қуйидагилар киради:

а) Банкнинг кредитлаш, ликвидлик, инвестиция, вакиллик ҳисобрақамлари очиш амалиётларини ошириш тартибларини кўриб чиқиш;

б) умумий, ва алоҳида таваккалчиликларнинг айрим турлари бўйича таваккалчиликни қабул қилиш стратегиясини муҳокама қилиш ва шу масалалар ҳамда банк Кенгашига таваккалчилик меъёрини аниқлаш масалалари бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

в) Банк таваккалчиликларини (кредит, ликвидлик, бозор, операция таваккалчиликлари) бошқариш тизимини доимий мониторинг қилиш;

г) ташқи аудит компанияларининг ички назорат ва банк таваккалчиликларини такомиллаштириш юзасидан таклифларини кўриб чиқиш;

д) Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармасининг чораклик ҳисоботларини кўриб чиқиш;

е) банкнинг таваккалчиликни бошқариш соҳасидаги сиёсатини ҳар йили қайта кўриб чиқиш ва долзарблаштириш;

ж) Банк Бошқаруви ва барча бўлинмалари раҳбарлари ҳамда банкнинг барча ходимлари томонидан банкнинг таваккалчиликни бошқариш сиёсатига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш.

IV. Қўмитанинг ваколатлари

1. Қўмита қуйидаги ваколатларга эга:

а) Қўмитага юклатилган вазифаларни бажариш мақсади банк ходимларидан зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш (маълумот ва ҳужжатлар Қўмита раиси томонидан имзоланган ёзма сўров асосида Қўмита котиби орқали берилади);

б) зарур бўлганда, Қўмитанинг йиғилишларига банк Бошқаруви аъзолари, Ички аудит хизмати ходимлари ва бошқа банк ходимларини, ҳамда мустақил экспертларни таклиф этиш.

2. Қўмита таваккалчиликларни бошқариш бошқармаси ва бошқа бўлинмалар раҳбарларидан мунтазам равишда Банк таваккалчиликларининг жорий ҳолати, таваккалчиликларни бошқариш маданиятига мувофиқликнинг жорий даражаси, таваккалчилик меъёри, таваккалчилик лимитларига риоя қилиниши, лимитлар бузилиши ва

таваккалчиликлар даражасини камайтириш механизмлари тўғрисида маълумот ва ҳисоботларни олади.

V. Қўмитанинг вазифалари

1. Қўмитанинг вазифалари қуйидагилардир:

а) Қўмита фаолияти бўйича Банк Кенгаши олдида йилига камида бир марта ҳисобот бериш;

б) Банк таваккалчиликларни бошқаришдаги камчилик ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, Банкка мойил бўлган таваккалчиликлар ҳақида Банк Кенгашини ўз вақтида огоҳлантириш;

в) ушбу Низом билан Қўмитага юклатилган вазифаларни бажариш;

г) Қўмита фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган маълумот ва ҳужжатларнинг махфийлигини сақлаш.

VI. Қўмитанинг таркиби ва уни шакллантириш тартиби

1. Қўмита таркиби банк Кенгаши қарорига асосан белгиланиб камида 3 (учта) аъзодан иборат бўлади ва Қўмита аъзолари банк Кенгаши аъзолари ичидан тайинланади.

2. Қўмита аъзоларининг кўпчилиги Банк Кенгашининг мустақил аъзолари бўлади.

3. Қўмитанинг камида битта аъзоси таваккалчиликларни бошқариш соҳасида иш тажрибасига эга бўлади.

4. Қўмитанинг аъзолари Банк Кенгаши йиғилишида оддий кўпчилик овози билан аниқланади.

5. Қўмитанинг аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш Банк Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

6. Қўмитанинг аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни бошқа шахсга топширмақчи бўлган тақдирда, улар Банк Кенгаши томонидан 30 (ўттиз) кун ичида янги Қўмита таркиби сайлангунга қадар фаолият юритиб туради.

VII. Қўмита раиси ва уни сайлаш тартиби

1. Қўмита раиси Банк Кенгаши таркибидан оддий кўпчилик овози билан сайланади.

2. Қўмита раиси Банк Кенгашининг мустақил аъзоси бўлади. Қўмита раиси айна пайтда Банк Кенгаши раиси ёки қўмиталардан бирининг раиси бўла олмайди.

3. Қўмита раиси ваколатлари:

а) Қўмита фаолиятини ташкил этади;

б) Қўмита йиғилишларини белгилайди, йиғилишларда раислик қилади ва йиғилиш кун тартибини тасдиқлайди;

- в) Қўмита аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- г) Қўмита қарорлари бажарилишини назорат қилади;
- д) Қўмитанинг фаолияти бўйича ҳисоботлар тайёрланишини ташкил этади ва ҳисоботни Банк Кенгашига тақдим этади;
- е) Қўмитанинг ваколатларига кирувчи бошқа вазифаларни амалга оширади.

VIII. Қўмитанинг йиғилишларини ўтказиш тартиби

1. Қўмита йиғилишлари лозим бўлганда ва мазкур Низомда кўзда тутилган ҳолатларда ўтказилади, йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабарнома ва кун тартиби Қўмита аъзоларига йиғилишдан камида 3 (уч) кун аввал хабар қилинади.

2. Қўмита раиси Қўмитанинг навбатдаги йиғилишини чақирилиши, унинг ўтказилиш санаси ва жойини, кун тартибини белгилайди ҳамда Қўмита йиғилишида банк Бошқаруви аъзолари, таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ёки Банкнинг айрим ходимлари иштирок этиши зарурлигини белгилайди.

3. Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган масалаларнинг ўзига хослигини инобатга олиб, Қўмита аъзолари бўлмаган шахсларнинг Қўмита йиғилишларида иштирок этишига фақат Қўмита раиси таклифига кўра йўл қўйилади.

4. Қўмита мажлислари Қўмита Раиси ташаббуси билан, Банк Кенгаши ва аъзоларининг талабига кўра ўтказилади.

5. Қўмита йиғилиши ўтказилишини талаб қилиш ваколатига эга шахслар, Қўмита йиғилиши ўтказиладиган сана ва жой тўғрисида йиғилишдан 10 (ўн) календарь кун олдин Қўмита котибига хабар бериши лозим.

6. Қўмита котиби йиғилиш ўтказилиши тўғрисида талабномани 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан Қўмитанинг раисига тақдим этиши шарт.

7. Агар йиғилишда Қўмита аъзоларининг ярмидан кўпроқ қисми иштирок этса, йиғилиш ваколатли деб ҳисобланади.

8. Қўмита қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

9. Овозлар тенг бўлган тақдирда Қўмита раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.

10. Қўмита котиби вазифасини Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармаси бошлиғи бажаради.

11. Қўмита котибининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- а) Қўмита йиғилишлари кун тартиби бўйича иш материалларини йиғиш ва тайёрлаш;
- б) Қўмита аъзоларини иш материаллари билан таништириш;
- в) Қўмита йиғилишлари баённомаларини расмийлаштириш;

г) Қўмита йиғилишлари баённомасидан кўчирмаларни Банкнинг барча манфаатдор бўлинмаларига етказиш;

д) Қўмита фаолияти бўйича ҳужжатларни тегишли тартибда ҳисобга олиш ва сақлаш ишларини ташкиллаштириш.

12. Қўмитанинг котиби Қўмита йиғилиши ўтказилганидан сўнг кўпи билан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай унинг баённомасини расмийлаштиради.

13. Қўмита йиғилиши баённомаси Қўмита Раиси, аъзолари ва котиб томонидан имзоланади.

14. Қўмита аъзоларидан бирортаси қабул қилинган қарорга рози бўлмаган ҳолларда унинг рози эмаслигининг сабаблари мажбурий тартибда кўрсатилади.

15. Қўмита йиғилиши баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

а) Қўмита йиғилишининг ўтказилган вақти ва жойи;

б) Қўмита йиғилишида иштирок этган аъзолари ва таклиф этилган бошқа шахсларнинг рўйхати;

в) кун тартиби;

г) Қўмита аъзоларининг кун тартибидаги масалалар юзасидан киритган таклифлари;

д) Қўмита йиғилишида овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари ҳамда қабул қилинган қарорлар.

IX. Махфийлик

1. Қўмита аъзолари банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳамда ўз вазифаларини бажариш даврида ва тугаганидан сўнг уларга маълум бўлиб қолган маълумотни ошкор қилмасликлари шарт.

X. Бошқа қоидалар

1. Ушбу Низом, унга кейинчалик киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Бошқарув Раиси

К. Ирисбекова

Бошқарув аъзолари:

Ж. Эгамбердиев

Ш. Бахриддинов

Х. Рахматов

Х. Бўронов

Ш. Искандаров

А. Абдукахаров

Методология бўлими в.б.

Ю. Махкамova